



---

**COURSE: MANAGERIAL ACCOUNTING**  
**LECTURE 3. JOB-ORDER COSTING: CALCULATING UNIT**  
**PRODUCT COSTS**  
**LECTURER: XUSAINOV SH. PhD**

---

**“БОШҚАРУВ ҲИСОБИ - ФАНИ**  
**3 – МАВЗУ. БУЮРТМАЛИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ: МАҲСУЛОТ**  
**БИРЛИГИ ХАРАЖАТЛАРИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ**  
**ХУСАИНОВ ШАВКАТ, и.ф.н., доцент**

---

**Маълумот учун:** барча маъруза тезисларида, тақдимотларда “Cost Accounting: A Managerial Emphasis” (муаллифлар Horngren T. Ch., Datar S.M., Rajan M.V.), “Managerial Accounting” (муаллифлар Ray H. Garrison, Eric W. Noreen, Peter C. Brewer), Management accounting Information for Decision-Making and Strategy Execution (муаллифлар Anthony A. Atkinson, Robert S. Kaplan, Ella Mae Matsumura. Madison S. Mark Young) китоблари материалларидан фойдаланилган, мазкур китоблар фаннинг асосий дарсликларидир, аммо бошқа турли манбалардан ҳам фойдаланилади.

**Мавзу саволлари:**

- 1. Буюртмалар бўйича калкуляциялаш тавсифи**
- 2. Буюртмалар бўйича калкуляциялашга асосий ёндашув**
- 3. Тугалланмаган контрактлар бўйича фойдани аниқлаш**

**1. Буюртмалар бўйича калкуляциялаш тавсифи**

Компаниялар иккита асосий сабабга кўра ўз маҳсулотлари ва хизматларига харажатларни белгилайдилар. **Биринчидан**, бу уларга режалаштириш, назорат қилиш ва қарор қабул қилиш масъулиятини бажаришга ёрдам беради. Мисол учун, компания ҳар бир маҳсулотнинг рентабеллигини яхшироқ тушуниш ёки ҳар бир маҳсулотнинг сотиш нархини белгилаш учун маҳсулот таннархига оид маълумотлардан фойдаланиши мумкин. **Иккинчидан**, бу уларга якуний товар-моддий захиралар қийматини ва ташқи ҳисобот учун сотилган маҳсулотлар таннархини аниқлашга ёрдам беради. Сотилмаган маҳсулотлар билан боғлиқ харажатлар балансдаги якуний товар-моддий захираларга киритилади, сотилган бирликларга қўшилган харажатлар эса даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда сотилган маҳсулот таннархига киритилади.

Буюртмали таннархни ҳисоблаш ҳар бир даврда индивидуал ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган жуда кўп турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ҳолатларда қўлланилади. Мисол учун, Levi Strauss кийим-кечак фабрикаси одатда бир ой давомида эркаклар ва аёллар учун жуда кўп турли хил жинси шимлар ишлаб чиқаради. Муайян буюртма 1000 дона кўк жинси эркаклар



ботинкасида иборат бўлиши мумкин, фасон рақами А312 бўлган 1000 жинси шимнинг бу буюртмаси иш деб аталади. Буюртмалар бўйича харажатларни ҳисоблаш тизимида харажатлар тақсимланади ва иш жойларига тақсимланади, сўнгра иш бирликлари учун ўртача харажатларга эришиш учун иш харажатлари ишдаги бирликлар сонига бўлинади. Ушбу бирлик учун ўртача харажат маҳсулот бирлиги **таннархи** деб ҳам аталади.

Корхоналар фаолиятида муҳим вазифалардан бири ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини тўғри аниқлашдир. *Маҳсулот таннархи* уни ишлаб чиқаришга қилинган бевосита харажатларнинг йиғиндисини ифодалайди.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва харажатларни ҳисобга олиш бошқарув ҳисобининг асосий элементларидан бири ҳисобланади, чунки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи қуйидагилар бўйича бошқарув қарорларининг қабул қилиниши учун асос бўлади:

- қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қайсиларини эса тўхтатиш бўйича;
- зарур ёрдамчи маҳсулотларни сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида;
- ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотга баҳо белгилаш борасида;
- ишлаб чиқаришни янги техника билан қуроллантириш бўйича;
- ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни ривожлантириш бўйича берилган тавсияларни асослашда.

Бошқарув ҳисобида таннарх қуйидаги асосий объектлар бўйича аниқланади:

- алоҳида бўлинмалар бўйича;
- алоҳида маҳсулот турлари бўйича.

Бунда харажатларни тақсимлаш жараёни икки босқичда амалга оширилади:

- харажатларни улар вужудга келган марказлар бўйича тўплаш;
- харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш.

Харажатларни тақсимлаш деганда, корхона фаолиятида вужудга келган харажатларни аниқ объектлар бўйича гуруҳлаш жараёни тушунилади.

Харажатлар объекти сарфланган харажатлар ҳисобга олиниши зарур бўлган ташкилий бўлимдир.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархи бевосита харажатлар, ресурслардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Корхонадаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириш имконини беради.

Маҳсулот таннархини аниқлашда калкуляцион бирликни аниқ белгилаш муҳим масала ҳисобланади.

**Калькуляция бирлиги** - бу калкуляция объекти ўлчовидир. Уни танлаш



маҳсулотни тайёрлаш хусусиятлари, номенклатура кенглиги, ўлчашда қўлланадиган бирликлар, амалдаги андозалар ва ишлаб чиқиладиган маҳсулотнинг техник шартларига боғлиқ бўлади.

Калькуляция объектларини белгилашда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларига мувофиқ уларнинг номи, ёғлилик даражаси ва идишнинг турига қаралади. Масалан, бир метр сиғимдаги қоғоз идишдаги 3,2% ёғлиликка эга сут, 0,5 метр сиғимдаги полиетилен идишдаги 20% ёғлиликдаги сметана, 250г. оғирликдаги ўрама қоғозли ёғсизлантирилган творог ва ҳ.к.

Амалий фаолиятда ишлаб чиқариш корхоналари калкуляция бирликларнинг қуйидаги гуруҳларидан фойдаланадилар:

- табиий бирликлар - дона, килограмм, тонна, метр, куб метр, киловатт-соат ва ҳ.к.;
- шартли-табиий бирликлар - консервалар (қуюлтирилган сут) шартли банкалари ва ҳ.к.;
- фойдаланиладиган (эксплуатацион) бирликлар - қувват, маҳсулдорлик ва ҳ.к.;
- ишлар бирликлари - ташиб келтирилган юкнинг бир тоннаси, йўл қопламасининг юз метри ва ҳ.к.;
- вақт бирликлари - машина-кун, машина-соат, норма-соат ва ҳ.к.

Харажатлар ҳисобининг **буюртмали усули** хусусий ва майда туркумли ишлаб чиқаришда, шунингдек, тажриба-экспериментал ишлаб чиқаришда ва таъмирлаш ишларида қўлланиши мумкин.

Буюртмали усулнинг моҳияти, бир ёки бир неча хилдаги маҳсулотларнинг унча катта бўлмаган туркумини тайёрлашда ҳар бир буюртма бўйича алоҳида харажатлар ҳисобини амалга оширилади.

Харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни калкуляция қилишнинг буюртмали усули қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- алоҳида буюртмалар бўйича, шунингдек, бир марталик маҳсулот тури ишлаб чиқарилаётганда қўлланилади;
- бу усулда харажатлар муайян ҳисобот даври (бир ой, чорак, йил) оралиғида эмас, балки бажарилаётган буюртма даври бўйича аниқланади;
- қўшимча аналитик маълумотларни йиғиб бориш учун буюртмалар карточкасидан фойдаланиш мумкин. Ушбу буюртмалар карточкасидан харажатлар тегишли жавобгарлик марказлари бўйича йиғиб борилади.

Бу усулда барча бевосита харажатлар ишлаб чиқарилган ёки бажарилган буюртма бирлигига олиб борилади. Буюртмали усулда умумишлаб чиқариш харажатлари махсус усуллар бўйича аниқланади ва маҳсулот таннархига олиб борилади. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг энг муқобил усули норматив коэффициентлар усулидир.

Коэффициентларни ҳисоблаш уч босқичда амалга оширилади:

- умумишлаб чиқариш харажатлари режасининг йиллик бюджети тузилади;



- харажатларнинг умумий суммаси режалаштирилаётган ишлаб чиқариш ҳажмига қараб аниқланади. Бунда ходимларнинг меҳнат ҳақи, сарфланган киши соат, сарфланган машина-соат ва ҳ.к;

- режалаштирилаётган ҳисобот даври учун аниқланган умумишлаб чиқариш харажатлари суммаси режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади.

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан сўнг, пул бирлиги, соат ва бошқа исталган ўлчов бирлигида аниқланиши мумкин бўлган умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициенти юзага келади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисоблашнинг буюртмали усулида калкуляция объекти бўлиб муайн миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)га олинган буюртма ҳисобланади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)да асосий бухгалтерия ҳисоби ҳужжати бўлиб, буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тузилган шартнома ҳисобланади. Мазкур шартномада қуйидагилар ўз ифодасини топади: шартнома объекти, шартнома субъектлари ва уларнинг манзиллари, маҳсулот (иш, хизмат)нинг ҳажми ва юклаб жўнатиш (қабул қилиб олиш) муддати, шартнома баҳоси, тўлов шакллари ва бошқалар.

Буюртмали усулда маҳсулот таннархини ҳисоблаш якка ва туркумли ишлаб чиқаришларда қўлланилади.

Буюртмалар бўйича материал, меҳнат ҳақи ва шу каби харажатлар алоҳида тақсимлаш жадвалларида гуруҳланади. Буюртма объектининг таннархи у очилган кундан бошлаб амалга ишлаб чиқариш харажатларининг йиғиндиси суммаси орқали аниқланади.

Бунинг учун ҳар бир буюртмага бухгалтерияда алоҳида карточка очилади, унда буюртма бўйича харажатлар буюртмани бажаришнинг бутун муддати мобайнида ҳисобга олинади.

Бевосита харажатлар бирламчи ҳужжатлар асосида цехлар ва буюртмалар бўйича ҳисобга олинади. Бунда ҳар бир буюртма учун алоҳида бирламчи ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Билвосита харажатлар корхонада мутаносиб равишда қабул қилинган тақсимот базасига биноан тақсимлаш йўли билан маҳсулотлар таннархига киритилади.

Буюртмани бажариш даврида харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ҳисобга олинади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни тугагандан кейин карточка ёпилади ва буюртмани бажаришга кетган харажатлар ҳисоблаб чиқилади.

Бу харажатлардан қайтарилган чиқиндилар, тузатиб бўлмайдиган брак ва фойдаланилмаган материалларни омборга қайтариш харажатлари чиқариб ташлангач, буюртма бўйича ишланган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи келиб чиқади.

Агар буюртмага мувофиқ бир неча хил буюм тайёрланса, ҳақиқий



харажатлар суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига калкуляция моддалари бўйича бўлиш билан бир бирлик маҳсулотнинг таннари аниқланади.

Буюртмалар бўйича калкуляциялар якка тартибда ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг такрорланмайдиган ёки камдан-кам такрорланадиган турларини ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу усулда барча харажатлар алоҳида бўлинмалар ёки ҳисобот даври бўйича эмас, балки ҳар бир буюртма бўйича тўпланади. Корхонада битта «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» смети юритилади ва шу септ бўйича деталлаштириш (тафсиллаштириш) ва таҳлилий ахборот **буюртмалар карточкаларида** олиб борилади.

Аниқ бир буюртмани бажаришга барча бўлинмалар бўйича харажатлар айна шу карточкаларда тўпланади. Асосий тавсифлари:

- Кўп буюртмалар белгиланган давр давомида бажарилади
- Ишлаб чиқариш материалларига, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатлари ҳар бир буюртма бўйича йиғилади
- Буюртма бўйича карточка асосий хужжат ҳисобланади
- Харажатлар буюртмалар бажарилишига қараб ҳисобдан чиқарилади

## **2. Буюртмалар бўйича калкуляциялашга асосий ёндашув**

Харажатларни аниқ бир буюртмага ўтказиш учун қуйидаги амалларни ажратиш мумкин:

- 1) Буюртмани харажатлар объекти сифатида аниқлаш.
- 2) Буюртма билан боғлиқ харажатларни (материаллар, асосий меҳнат) аниқлаш.
- 3) Буюртмага устама сарфларни тақсимлаш учун базани танлаш.
- 4) Устама сарфларни тақсимлаш базасига киритиш.
- 5) Устама сарфларни тақсимлаш ставкасини ҳисоблаш.
- 6) Устама сарфларни тақсимлаш ставкасидан фойдаланиб, устама сарфларни буюртмага ўтказиш.
- 7) Буюртма бўйича умумий харажатларни (материаллар, меҳнат, ишлаб чиқариш устама сарфларини) аниқлаш.

Меҳнат ва материаллар каби тўғридан-тўғри сарфланган харажатлар маҳсулот ёки хизматнинг аниқ бир турига бевосита ўтказилиши мумкин. Умумий ишлаб чиқариш харажатлари фақат махсус сунъий усуллар ёрдамида маҳсулот турларига тақсимланиши мумкин. Уларни ҳисобдан чиқариш чоғида умумий ишлаб чиқариш сарфларини ҳар бир бўлинма ёки фаолият юритаётган объект учун белгиланган меъёрий ставкалардан фойдаланадилар. Буюртмалар бўйича калкуляция полиграфия саноатида, кемасозликда, консалтинг компанияларида қўлланилади.

**Тақсимлаш ставкасини аниқлаш:**

- 8) Йиллик бюджетни, умумий ишлаб чиқариш сарфлари режасини тузиш. Умумий ишлаб чиқариш сарфларининг тахмин қилинган миқдорини ҳисоблаш. Харажатлар динамикаси ва ишлаб чиқаришнинг назарда тутилган хажми асосида



амалга оширилади. Бу операцияни келгуси ҳисобот даврига ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси учун бажариш зарур.

9) Умумий ишлаб чиқариш сарфларини тақсимлаш базасини танлаш. Бунинг учун ишлаб чиқариш фаолиятининг бирор улчагичидан (мезонидан) масалан, ишланган киши соат сонидан, машина-соат миқдоридан, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш умумий сарфлари билан тайёр маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқлик аниқланади. Танланган база ишлаб чиқариш умумий сарфларини ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми билан боғлиқ бўлиши керак.

10) Келгуси даврга прогноз қилинган умумий ишлаб чиқариш сарфлари миқдорини ишлаб чиқаришнинг прогноз қилинган ва танланган тақсимлаш базаси кўрсаткичларида (соатлар, долларлар) ифодаланган миқдорига тақсимлаш. Бу операция натижасида ишлаб чиқариш умумий сарфларини тақсимлашнинг меъёрий ставкаси олинади.

Сўнгра ишлаб чиқариш умумий сарфлари ана шу ставкадан фойдаланиб, маҳсулотнинг ҳар бир турига ўтказилади, бунинг учун тақсимлаш базаси кўрсаткичининг ҳақиқий қиймати тақсимлашнинг меъёрий ставкасига кўпайтирилади. Бу сумма материаллар сарфига ва ишлаб чиқариш ишчиларига ҳисобланган меҳнат ҳақига кўшилади.

Натижада маҳсулотнинг ҳисобланган таннархи келиб чиқади, унда фақат иккита ҳақиқий элемент бўлади, ишлаб чиқариш умумий сарфлари тақсимлашнинг меъёрий базаси асосида маҳсулотга ўтказилган бўлади.

Ҳисобот даври охирида умумий ишлаб чиқариш харажатлари сметида охириги қолдиқ маълум бўлади, яъни ҳақиқатан қилинган ишлаб чиқариш умумий сарфлари билан маҳсулот таннархига ўтказилган сарфлар ўртасидаги тафовут аниқланади. Ортиқча тақсимланган ишлаб чиқариш умумий устама сарфлари «Сотилган маҳсулот таннархи» сечининг дебетида ўтказилади.

### **3. Тугалланмаган контрактлар бўйича фойда**

**Узоқ муддатли контракт-одатда муддати бир йилдан ортиқ контрактдир.** Контрактлар бўйича журнал праводкалари. Контракт таннархини калкуляция қилиш жараёнида ҳар бир контракт калкуляция қилинаётган маҳсулотнинг алоҳида бирлиги ҳисобланади ва шунинг учун ҳар бир контракт бўйича харажатлар бухгалтерия бош дафтарида алоҳида счёта тўпланади. Харажатларнинг турли элементлари қуйидагилар билан боғлиқ:

#### ***Асосий материаллар:***

Контрактга киритиладиган материаллар махсус сотиб олинган материаллардан ҳамда пудратчи омборидаги материаллардан иборат бўлиши мумкин. Бунда тегишли харажатлар контракт сечининг дебетида ёзилади.

#### ***Ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи:***

Контракт ҳисобига ўтказиладиган меҳнат харажатлари режалар ва ҳужжатларни тузиш билан боғлиқ офис ишлари (жумладан аниқ ишчилар маоши



ва иш вақти ҳисоби), бевосита заводда (корхонада)ги ишлаб чиқариш операциялари ва қурилиш участкасидаги ишларни ўз ичига олиши мумкин. Қурилиш жойидаги контракт бўйича барча ишларга бевосита меҳнат сифатида қаралади. Қурувчиларнинг турли участкалардаги иш вақтини ҳисоблаш иш вақтини ҳисобга олиш табели орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай меҳнат бўйича барча харажатлар контракт ҳисобига киритилади.

**Бевосита харажатлар.** Материаллар ва меҳнатдан ташқари контракт бўйича бевосита харажатлар борки, уларнинг аҳамияти катта. Бу тоифага икки асосий модда, яъни ишлаб чиқариш қурилмалари ва субпудрат бўйича ишлар киради.

**Ишлаб чиқариш қурилмалари.** Ишлаб чиқариш қурилмалари ва ускуналар контракт учун махсус сотиб олинган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда контракт счёти сотиб олинган ускуналарнинг таннархи бўйича дебетланади. Ёки ишлаб чиқариш ускуналари бошқа контрактларга берилиши мумкин. Бу ҳолда қисман ҳисобдан чиқарилган қийматга эга бўламиз ва бу қийматга контракт четимиз дебетланиб, қайси контракт четидан чиқарилса, шу чет кредитланади. Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида мулк ҳисобидаги ишлаб чиқариш қурилмаларининг қолдиқ қиймати, миқдори контракт четида кредит проводкаси сифатида бўлади, яъни қолдиқ келгуси даврнинг бошланишига ўтказилади. Бухгалтерия проводкаларининг соф натижаси шундан иборатки, ишлаб чиқариш қурилмаларининг амортизатсияси автомат равишда контракт четига кирим қилинади. Ишлаб чиқариш қурилмалари маълум контракт бўйича фойдаланиш учун ижарага олиниши мумкин. Компания ушбу ишлаб чиқариш қурилмаларига эгалик қилмагани учун ижара бўйича сарфларга ягона журнал проводкаси беради ва бу сарфларга контракт чети дебетланади.

**Субпудрат бўйича ишлар.** Контракт катта бўлса ёки ишнинг маълум жиҳатлари бўйича мутахассисларнинг фаолияти билан боғлиқ контракт бўлса, компания субпудратчиларни жалб қилиши мумкин. Субпудратчи бажарган ҳар қандай ишнинг таннархи контрактнинг бевосита харажатлари ҳисобланади ва контракт четини дебетиди ҳисобга олинади.

**Билвосита харажатлар.** Кўп пудратчилар ўз харажатларини алоҳида контрактларга тақсимлашга уринмайди, чунки кўпинча улар бевосита харажатларга нисбатан қиймати жуда оз бўлади. Шунга қарамай, бундай билвосита харажатлар айрим контрактларга тақсимланса, у ҳолда контракт четига анча миқдорда сумма кирим қилинган бўлар эди.

**Эксперт хулосаси ва ушлаб қолиндиган сумма.** Ҳар бир контрактнинг қиймати ижрочи ва мижоз ўртасида келишилади ва у контракт қиймати деб юритилади. Контракт жуда катта бўлиб, ишлар кўп ойга, ҳатто йилларга чўзиладиган бўлса, пудратчи ўз мижозидан контракт қийматига мувофиқ оралиқ тўловларини олишни кутади. Бундай тўловлар ўша пайтгача контракт бўйича бажарилган ишларнинг ҳажмига мувофиқ бўлади. Тўловлар тартиби қуйидагича:

**Эксперт хулосаси.** Контракт бўйича ишлар бажарилишига қараб,



буюртмачининг эксперти хулоса беради, унда контракт қийматининг ижрочи бажарган иш ҳажмига мутаносиб тўланиши мумкин бўлган қисми кўрсатилади. Кўп ҳолларда ижрочи бундай босқичда оралик тўлови миқдорига счет-фактура беради.

**Ушлаб қолинадиган сумма-Контрактни** бажариш даврида ижрочи одатда қийматнинг эксперт хулосасида аниқланган қисмини олади. Буюртмачи ушлаб қоладиган сумма «Ушлаб қолинадиган пул миқдори» сифатида маълум. Бу сумма ижрочиға контракт тугалланиб, ҳар қандай нуқсонлар тўғирлангандан сўнг берилади.

**Тугалланган контракт бўйича тушунтириладиган фойда-** Контракт узок муддатга мўлжалланган бўлса, ижрочи ўз ҳисоботларида контракт бўйича фойдани кўрсатишига йўл қўйилади. Ишнинг тугалланиш фоизи усули бир неча йил давомида фойда олинмай, бирданига контракт тугалланган йилда фойда пайдо бўладиган ноизчилликдан қутилишга имкон беради. Тугалланмаган контрактда фойданинг қандай миқдорини тан олиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим.<sup>21</sup>

1) Оралик фойдани тан олишдан аввал контракт муваффақиятли чиқиши аниқ бўлиши лозим.

2) Ҳар қандай фойда ушбу санада контракт бўйича бажарилган ишларга мутаносиб олиниши керак.

3) Контракт бўйича кутилаётган умумий йўқотишлар миқдорига нисбатан мумкин қадар тез чора кўриш зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Cost Accounting: A Managerial Emphasis / Horngren T. Ch., Datar S.M., Rajan M.V. / Published by Pearson, 2015

2. Managerial Accounting. 17th Edition / Ray H. Garrison, Eric W. Noreen, Peter C. Brewer / Published by McGraw-Hill Education, 2021

3. Management accounting Information for Decision-Making and Strategy Execution. 6th Edition Anthony A. Atkinson, Robert S. Kaplan, Ella Mae Matsumura. Madison S. Mark Young / Published by Pearson, 2012

4. Boshqaruv hisobi / Pardayev A., Pardayev B. / Т.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi., 2019

5. Boshqaruv hisobi /Israilov R.I., Maxsudov B.Yu.. / Т.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2020